

ХАРБИЙ АСКАРЛАР МАЬНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА  
СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ

ЧДПУ Гуманитар фанлар факультети Тарих йўналиши  
2-курс талабаси Шамсиев Оятулло  
Илмий раҳбар: Сулаймонова Шоҳсанам Абсамотова

**Аннотация:** Мақолада муаллиф томонидан Соҳибқирон Амир Темур сиймоси орқали ҳарбий соҳада таълим олувчи ёшларнинг маънавияти юксалтириши масаласи ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Амир Темур, маънавият, адолат, инсонпарварлик, ватанпарварлик, жсанг санъати, "Зафарнома"

**Аннотация:** В статье дается авторский взгляд на поднятие морального духа молодежи деятельностью Амира Темура, обучающейся на военном направление.

**Ключевые слова:** Амир Темур, духовность, справедливость, гуманизм, патриотизм, боевые искусства, "Зафарнама".

**Annotation:** The article gives the author's view on raising the morale of young people by the activities of Amir Temur, who is studying for a military direction.

**Key words:** Amir Temur, spirituality, justice, humanism, patriotism, martial arts, "Zafarnama".

Буюк тарих зарвақларида ном қолдирган соҳибқирон Амир Темур (1336-1405) ўзининг ўткир ақл-заковати, ноёб етакчилик қобилияти ва ҳарбий маҳорати билан жаҳон тарихида муносиб ўрин эгаллаган тарихий шахслардан биридир. Амир Темурнинг фаолияти, давлат бошқаруви ҳамда ҳарбий соҳадаги муваффақияти, шунингдек унинг илм, фан ва маънавият соҳасидаги фазилатлари халқимиз миллий ўзлигини англаши, ёш авлодлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, саркарданинг ҳарбий соҳадаги фаолияти ҳарбий соҳада таълим олаётган ёшлар маънавий дунёсини юксалтириш, уларда ватанпарварлик рухини оширишда ҳамда касбий фаолиятида адолат мезони билан иш қўришдек жиҳатларни шакллантиришда ммуҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, Амир Темур ўзининг салтанат барпо этишдек улкан мақсадни рўёбга чиқариш мақсадида Ҳиндистон, Хурросон, Эрон, Олтин Ўрда, Муғулистон ва бошқа кўплаб ўлкаларга қарши мувофаққиятли юришларни амалга оширди. Ушбу кенг кўламли юришлар давомида Соҳибқирон томонидан бир-биридан мукаммал бўлган турли жанг усулларидан фойдаланди. Амир Темур томонидан жангларда қўлланилган ҳарбий тактикалар туфайли қўшинда кам йўқотишлар билан бирин-кетин кўплаб бўйсунмас қалъалар забт этилган. Шу боисдан, ғарб тарихи Темурбекни жаҳоннинг энг буюк саркардаларидан бири сифатида ҳақли равища тан олди. Амир Темур таҳтга ўтириш боиси ўлароқ ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётда содир бўлган ижобий ўзгаришлар ўз ифодасини ҳарб ишида ва ҳарбий санъатда ҳам намоён этди. Унинг

ҳарбий истеъоди асосан икки йўналишда: мохир ҳарбий ташкилотчи ва атоқли саркарда тарзида ёрқин намоён бўлади<sup>32</sup>.

Буюк лашкарбоши ва новатор ҳарбий ташкилотчи сифатида Амир Темур ўта интизомли армия тузишга, мўлжалланган чоғига қўшин қисмларини санъаткорона бошқаришга, жанг тақдири ҳал бўладиган жойларга ҳарбий кучларни ўз вақтида усталик билан йўллашга, ҳар қандай тўсиқ ва ғояларни тадбиркорлик билан босиб ўтишга, армиядаги жанговар рухни керакли даражада ушлаб туришга муяссар бўлганлиги боис қисқа муддат ичидан ўз қўшидан кўп сонли ҳробий қўшинларни мағлуб этишга муваффақ бўлган<sup>33</sup>. Амир Темур тузган қўшин кўплаб мамлакатларни забт этишда сон жиҳатдан аниқ ва пухта ташкил этилганлиги билан ўз даврининг кўплаб қўшинлардан устун турган. Қўшиннинг жанговар ҳолатини белгилаб бериш ва тартибга солиш – «ясол» деб юритилган. Соҳибқирон томонидан «ясол» жангдан-жангга такомиллаштириб борган, армия ўз замонасининг илфор қурол ва техникаси билан қуролланган, айнан бир турдаги қурол-яроғ, аслаҳа-анжом билан таъминланган, қисмлар бир-биридан кийим боши, тутган байроғи ёки туғи орқали ҳам фарқланиб турган<sup>34</sup>.

Шуни таъкидлаш лозимки, Амир Темурнинг ҳарбий тўқнашувларда қўллаган жанг усули ўз даврининг буюк империялари Қораҳонийлар, Фазнавийлар, Хоразмшоҳлар, Салжуқийлар, Чингизийлар қўшини жанговар тартибидан фарқли бўлиб, етти қисм-қўлга ажратилган. Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида Соҳибқирон ҳарбий жанг усули етти қисм-қўл тузилиши тўғрисида тўлиқ маълумот берилган. Соҳибқирон ўз қўшини қанотларини жанг чоғида душман хужумидан муҳофаза қилиш ва аксинча ғаним кучларини ён томондан айланиб ўтиб, унга ортдан зарба бериш мақсадида тузилган отлиқ қисм-қунбул ёки кумбул, баъзи манбаларда қанбулнинг жорий этилиши-ҳарбий санъат ривожига қўшган улкан хизматларидан бири бўлди. Бундай жанг усулидан фақат беш аср ўтиб, XIX асрнинг атоқли лашкарбошиси Напалеон Бонапарт армиясининг жанговар тартибида қўшин қанотларини ҳимояловчи қисм мавжуд бўлган<sup>35</sup>.

Амир Темур ҳарбий жангларда тажрибали ва истеъодли лашкарбошилар тайинлашга алоҳида эътибор берган. Ушбу жараёнда асосан ҳарбий санъатнинг ўзига хос сир-асрорларидан тўла воқиф бўлган, душман сафларини пароканда қилиш йўл-йўриқларини яхши эгаллаган, мушкул вазиятларда дадил ва тез ҳаракат қиласиган, ҳеч қандай тўсиқлардан тап тортмайдиган, қўшин сафида содир бўлиши эҳтимолидан ҳоли топилмаган тартибсизликларни ўз вақтида бартараф эта оладиган истеъодд эгаларинигина Темурбек томонидан лашкарбошиликка қўйилган. Соҳибқирон томонидан амалга оширилган ушбу тадбир орқали ҳарбий жанг усулларидан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлиши таъминланган. Жумладан, Амир Темур томонидан Хурросон, Кавказ, Эрон ва Ҳиндистондаги ҳарбий юришлари давомида

<sup>32</sup> И. М. Муминов “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли”. Тошкент, Фан, 1968.

<sup>33</sup> Ҳ. Дадабоев “Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати”. Тошкент, Ёзувчи, 1996, 8-бет.

<sup>34</sup> Э. А. Разин. История военного искусства. Москва, 1957, 234-бет.

<sup>35</sup> Ҳ. Дадабоев “Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати”. Тошкент, Ёзувчи, 1996, 10-бет.

қалъаларни эгаллашда истеъодли лашкарбошилар томонидан қўплаб жасоратлар кўрсатилган. Амир Темур ўз қўшини ва сипоҳийларни бошқариш, янги ҳарбий юриш усууллари такомиллаштириш борасида доимий тарзда фикр юритган. Жумладан, “Темур тузуклари”да шундай келтирилади: “Кундузлари тажрибали ва доно кишилар билан турли мамлакатларни забт этиш шатранжи устида бош қотирдим. Кечалари бўлса тўшагимда ёнбошлаб олиб, мамлакат ишларини қандай юргизиш кераклиги ҳакида ўйладим ва уларни бажариш воситаларини ўзимча тасаввур қилиб кўрдим. Ўзга мамлакатларни забт этиш йўлларини ўз кўнглимда чамалаб, қай тарзда хужум қилиб, қандай чекиниш мумкинлигини белгилар эдим. Сипоҳийларим билан қандай муомала қилишим тўғрисида фикр юргизиб, қайси бирини қандай тарбият қилишим керак, қайси ишни қай бирига топширсам, хато қилмаган бўламан деб, ҳар ишнинг олдикетини ўйлар эдим”<sup>36</sup>.

Яна шуни қўшимча қилишимиз жоизки Соҳибқирон шундай буюк саркарда бўлишига қарамай ҳеч қачон манманликка берилмаганинги юқоридаги сўзларидан ҳам кўришимиз мумкин. У нафақат янгидан-янги жанг усуулларини қўллаш билан бир қаторда, жангни бой бериш ҳолатларида қандай тарзда чекиниш ва яна жангга кириш каби ҳолатларнида доимий тарзда ўйлаб кўриб иш тутган. Амир Темур йирик жанглар билан бир қаторда кичик ҳарбий тўқнашувларга ҳам катта эътибор қаратади. Унинг буйруғига кўра жанг майдонида ғанимлар қўшини сони ўн икки мингдан кам отликдан иборат бўлганда, лашкарларга Амир ул-умаро қўмондонлик қилган. Шунингдек, жангда аймоқ ва туманлардан ўн икки минг отлик унга ҳамроҳлик қилган. Амир ул-умарога мингбошилар, юзбошилар ва ўнбошилар ҳамроҳлик қилиб, душман қўшинларига бир кунлик масофа қолганда Соҳибқиронга хабар беришган. Ушбу ҳарбий қўшиннинг оз сонли бўлишига қарамай буюк саркарданинг тактик жихатдан қўшинни тўғри жойлаштириши жангларда ғалабани таъминловчи асосий омил бўлган. Жумладан, “Темур тузуклари”да шундай келтирилади: “Амр қилдимки, ўшал ўн икки минг отлик аскарни тўққиз қисмга бўлсинлар, ушбу тартибда: қўлда бир фавж, баронғорда уч фавж, жавонғорда уч фавж, хировулда-бир фавж ва қоровулда-бир фавж турсин. Баронғорнинг ўзи хировул, чоповул ва шиқовулдан иборат булсин. Шунга ўхшаш, жавонғор ҳам хировул, чоповул ва шиқовулдан иборат бўлсин”. Амир Темур қўшиннинг тузулиши билан бир қаторда, унинг жойлашувига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Соҳибқирон Амир ул-умарога уруш майдонини танлашда тўрт ҳолатини назарда тутиши лозимлигини амр этади. Булар: Биринчиси- у ернинг сувга узоқ-яқинлиги. Иккинчиси-аскар сақлайдиган ернинг хавфсизлиги. Учинчиси-ғаним лашкари турган ердан тепароққа жойлашиши ва офтобга рўбарў бўлмаслиги, токи қуёш шуъласи сипоҳийлар қўзини қамаштирасин. Тўртинчиси-уруш майдони олди очиқ, кенг жой бўлиши лозим. Яна Соҳибқирон амр этадики, урушдан бир кун олдин лашкарни сафга тизсинлар ва тузукка мувоғиқ уни фавжларга ажратиб, душман томонга қараб юрсинлар деб кўрсатма беради. Ўша даврларда деярли барча халқлар уруш вақтида тартибли сафларда тизилмасдан, тўда-тўда бўлиб, тактик

<sup>36</sup> Маъсул муҳаррир Ж. Раҳимов “Темур тузуклари”. Тошкент. Шодлик. 2020, 124-бет.

мuloҳазаларсиз жанг қиладиган, ўз жасурлигига берилиб кетиб, душманга тартибсиз равишда ташланадиган бир вақтда Амир Темур лашкарлари тартибли сафларга тизилган ва бир неча қисмлардан иборат бўлар, ҳамда улар жангга бирин-кетин киритилиб, ниҳоят, сўнгги хужумлар билан душман кучсизлантирилиб, ҳолдан тойдирилгач, энг сараланган жангчилардан тузилган, ҳар доим ғалабани таъминлаши мумкин бўлган, кучли ва бардам резерв жангги киритилади.

Хулоса тарзида шуни айтишимиз мумкинки, Соҳибқирон жаҳонда биринчи бўлиб рақибга мос тарзда баҳо бериб, ўн икки минг, қирқ минг ва қирқ мингдан зиёд рақибга мос тарзда жанг усулларини жорий этди. Буюк саркарда жанг усулларини муносиб тарзда амалга ошириш учун лашкарбошилар билан муносабат масалаларига ҳам катта эътибор қаратиши ҳам қўшиннинг жангларда ғалабаларини таъминлаган. Амир Темурнинг асосий қўшин ён қанотларини ҳимоя қилиш услуби жаҳон жанг санъати ривожи қўшган улкан ҳиссаларидан бири бўлган. Амир Темур ўз даврининг буюк саркардаси ҳисобланади. Ўша давргача ҳеч қайси қўшинлар ва ҳарбий тўқнашувларда қўлланилмаган янги тартиб ва усулларни жорий этилган. Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатлари ўз армияларини тарбиялаш жараёнида Соҳибқироннинг ҳарбий жанг усулларидан фойдаланиши ҳам унинг буюк саркарда сифатида мустаҳкам қўшин билан бир қаторда, ҳарбий жангларга жорий этилган тартиб ва тактикаларининг мукаммал тузилганини кўришимиз мумкин.